

ЖОҲИЛИЯТ АРАБЛАРИДА АЁЛЛАРНИНГ МЕРОС ОЛИШИГА МУНОСАБАТ ВА ИСЛОМ ЖОРИЙ ҚИЛГАН ШАРЬИЙ ҲУКМ ТАҲЛИЛИ

Сайдов Иброҳимжон Каримович

Мир Араб Олий Мадрасаси ўқитувчиси

Аннотация: мақолада жоҳилият даврида араблар орасида аёлларга мерос тақсимлаш борасида жорий бўлган халқона қонунлар ва анъанавий низомлар ҳамда Исломнинг аёллар мероси борасидаги шаръий ечими таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жоҳилият, араблар, мерос, майит, тақсимот, аёл, Ислом, Умму Каҳҳа, Нисо сураси, тақлид.

Кириш қисми: ҳар қайси илмни ўрганиш олдидан унинг тарихига назар ташлаш муҳим ва тўғри қадам саналади. Мерос илми ҳам кўп тарихий босқичларни бошдан кечирган фан сифатида чуқур тарихий илдизга эга. Исломдан олдин Рум ва Форс халқлари қаторида жоҳилият арабларида ҳам мерос масаласига эътибор қаратилган.

Жоҳилиятда араблар мерос масаласида бирорта асосий қонуний низомга таянишган эмас. Майитдан қолган мол арабларнинг орасида жорий бўлган урф-одатларга кўра тақсим қилинган. Бундан ташқари жамият орасида алоҳида обрў-эътиборга эга кишилар меросда бошқаларга қараганда кўпроқ ҳиссадор бўлиш ҳуқуқига эга бўлган.¹

Асосий қисм: жоҳилият арабларининг шоирлари томонидан ёзилган ва бугунги кунга қадар сақланиб қолган девонларни ўрганиб чиқиши натижасида мероснинг тўрт сабабини кўриш мумкин. Улар: насаб, табаний, ҳилф ва аҳд. Буларнинг ҳар бири алоҳида тафсилотга эга. Жоҳилият арабларида аёлларнинг мерос олиши учун аҳамиятли жиҳат сифатида кўрилмаган. Аёл киши майитга қандай қариндош бўлган тақдирда ҳам унинг меросда ҳеч қандай ҳаққи бўлмаган. Чунки арабларнинг одатига кўра мерос олишга ҳақли кишилар эркаклар ҳисобланган. Чунки юртни ҳимоя қиласидан ҳам, от чоптириб иш битирадиган ҳам, душманган қарши турадиган ҳам улар бўлишган. Имом Табарий Умму Каҳҳа (Умму Каҳҳа ансория, Расулуллоҳнинг шоири Ҳассон ибн Собитнинг укаси Абдураҳмон ибн Собитнинг аёли. Унинг исми борасида турли ривоятлар мавжуд. Абу Мусо Мустағфирийдан қилган ривоятда: Умму Кухла тарзида келган.)² билан бўлиб ўтган бир воқеани шундай ифодалаган:

¹ Қози Абу Бакр ибн Аробий. Аҳкамул Қуръан. 1-жуз. – Байрут: ДКИ, 2003. – Б.426.

² Ибн Ҳажар Асқалоний. Ал-исоба фи тамайзис соҳаба. 8-жуз. – Байрут: дорул жил, 1992. – Б.285.

«Мерос оятлари нозил бўлишидан олдин ансорлардан бир киши вафот этади (ўша Абдураҳмон ибн Собит бўлган). Ортидан бир аёли ва беш синглиси қолади. Меросхўрлар келиб, ҳамма молни бўлишиб олиб кетишади. Аёл ва сингилларига ҳеч вақо қолдиришмайди. Кейин Умму Каҳҳа Расулуллоҳнинг олдига бориб, вазиятни билдиради. Расулуллоҳ аёлдан бу борада оят нозил бўлгуни қадар кутиб туришини сўрайди. Кейин Расулуллоҳ меросхўрларни чақиртириб келганида улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, хотинлар от минмайди, қийинчиликни кўтармайди, душманга қарши турмайди-ку!», дейишади. Кейин Аллоҳ таолонинг қуидаги ояти нозил бўлади:

لِلرَجَالِ نَصِيبٌ مِمَّا تَرَكَ الْوَلَدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَللنِسَاءِ نَصِيبٌ مِمَّا تَرَكَ الْوَلَدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ
 كُثُرٌ نَصِيبًا مَفْرُوضًا

Эркаклар учун ота-оналар ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари ва қариндош-уруғлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Бу улушлар озми-кўплигидан (қатъий назар) фарз қилинган ҳақлардандир.³

يُوصِيْكُمُ اللَّهُ فِيْ أَوْلَادِكُمْ لِذِكْرِ مِثْنَ حَظَ الْأَنْشَيْنَ إِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ اثْنَيْنِ فَلَهُنَّ شَيْئًا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ
 وَحْدَةً فَلَهَا الْنِصْفُ وَلَا بَوْيَهِ لِكُلِّ وَحْدَةٍ مِنْهُمَا سَدُسُّ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَرِثَةٌ
 أَبْوَاهُهُ فَلِأَمْتِهِ الْثَّلِثُ

Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур. Агар меросхўрлар иккidan ортиқ қиз бўлса, уларга улар (ота-она) қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми тегур. Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, қолдирган меросидан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бири тегур. Энди агар фарзанд бўлмай, фақат ота-онаси (меросхўр) бўлса, у холда онасига учдан бир тегур (қолгани отасига қолади)...⁴

وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمُ الْرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْنَ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِيْنَ
 بِهَا أَوْ دَيْنٍ وَلَهُنَّ الْرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الْثُّمُنُ مِمَّا تَرَكْتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ
 تُوصُونَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ

Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан — агар улардан фарзанд қолмаган бўлса — ярми тегур. Энди агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан тўртдан бири тегур. (Бу тақсимотлар) марҳума қилган васият ва унинг қарзлари адо этилгандан кейин бўлур. Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдирган меросдан — агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса — тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бири

³ Нисо сураси, 7-оят. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим Мухтасар тафсири. – Т.: Шарқ, 2019. Б. 135.

⁴ Нисо сураси, 11-оят. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим Мухтасар тафсири. – Т.: Шарқ, 2019. Б. 135.

тегур. (Бу тақсимотлар) сизлар қилған васият ва қарзларингиз адo қилингандан кейин бўлур⁵).⁶

Бу ривоятдан англаш мумкинки, демак араблардаги бу одат ҳаммада оммавий тарзда амалга оширилмаган экан. Агар ҳамма аёллар меросдан бирдек маҳрум қилинганида, Умму Каҳҳа Расулуллоҳга келиб шикоят қилмаган бўларди. Бундан кўринадики, баъзи қабилаларда шу иш жорий бўлган, айримларида эса йўқ. Тарихий манбалардан аёлларни меросдан маҳрум қилиш одати кўпроқ Ҳижозликларда тарқалганини кўриш мумкин.⁷

Араблар аёлларни мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан чекланибгина қолмай, баъзи вақтларда аёлнинг ўзини ҳам мерос моли қаторига қўшиб, тақсим қилиб олишарди.⁸ Кейин бу борада Нисо сурасининг 19-ояти нозил бўлди.⁹

يَايَهَا الَّذِينَ عَامَنُوا لَا يَحْلُّ لَكُمْ أَنْ تَرِثُوا النِّسَاءَ كَرَهًا وَلَا تَعْضُلُوهُنَّ لِتَدْهِبُوا بِبَعْضٍ مَا يَأْتِينَ بِفُحْشَةٍ مُّبِينَةٍ عَاتَتِمُوهُنَّ إِلَّا أَنْ

Эй мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасдир. Ва (агар бирга яшаш нияtingиз бўлмаса), берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиш учун хотинларингизни (бошқа эрга тегишдан) тўсиб туриб олмангалар! Магар улар очиқ бузуклик қилсалар (у ҳолда берган маҳрингизни қайтариб олишингиз мумкин).¹⁰

Бу оятнинг нозил бўлишини имом Бухорий 6948-ҳадисда шундай ривоят қиласди:

«Араблар бир киши ўлса унинг хотинига ўлган кишининг валийлари ҳақли бўлишарди. Валийлардан баъзилари истаса, уни хотин қилиб оларди. Агар исташса, эрга бериб юборишарди. Хоҳласа эрга бермай шундай қолдиришарди. Улар аёлга ўз аҳлидан кўра ҳақли бўларди. Шунда шу оят нозил бўлди».¹¹

Хуноса: жоҳилият давридаги арабларда айрим аёлларни меросдан маҳрум қилиш маъқулланган иш бўлган. Бунга эса бир қанча сабаблар бор:

1. Жангда иштирок этиш лаёқати фақат эркакларда мавжуд. Шунинг учун меросга улар ҳақли.
2. Мерос олишга ҳақли киши аслида заиф бўлиши керак деган хуносага хилоф қилиш;

⁵ Нисо сураси, 12-оят. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим Мухтасар тафсири. – Т.: Шарқ, 2019. Б. 136.

⁶ Мұхаммад ибн Жарир Табарий. Жомеъул баён фи таъвилил Қуръан. 7-жуз. – Байрут: муассасатур рисола, 2000. – Б.31-32.

⁷ Жавод Али. Ал-муфассал фи тарихил ароби қоблал ислам. 10-жуз. – Байрут: ДКИ, 1993. – Б. 253.

⁸ Имом Маҳарий. Ал-Мухаррирул важиз фи тафсирил Қуръанил азиз.2-жуз. – Байрут: ДКИ, 1422х. – Б.26.

⁹ Имом Бағавий. Маъолимут танзил фи тафсирил Қуръанил азим. 1-жуз. – Байрут: дору ихёт туросил аробий, 1997. – Б.587.

¹⁰ Нисо сураси, 19-оят. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим Мухтасар тафсири. – Т.: Шарқ, 2019. Б. 137-138.

¹¹ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. – Байрут: Рисола, 2020. – Б. 1120.

3. Мерос масаласида ота-боболарининг йўлини тутиш, уларга кўр-кўронга тақлид қилиш;

Умумий маънода хулоса қилиб айтиш мукинки, шариат келгунига қадар арабларда мерос тақсимлаш масаласида ўз нафсларига эргашиб қарор қабул қилиш ғолиб бўлган. Ислом бунинг барига гўзал ечим тақдим қилган ва тушунчаларни ислоҳ этган. Бу эса жамият фаровонлигининг асосидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Азим Мухтасар тафсири. – Т.: Шарқ, 2019. 981 б.
2. Қози Абу Бакр ибн Аробий. Аҳкамул Қуръан. – Байрут: ДКИ, 2003. – Б.426.
3. Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Жомеъул баён фи таъвилил Қуръан. 7-жуз. – Байрут: муассасатур рисола, 2000. – Б.31-32.
4. Имом Маҳарибий. Ал-Муҳаррирул важиз фи тафсирил Қуръанил азиз.2-жуз. – Байрут: ДКИ, 1422х. – Б.26.
5. Имом Бағавий. Маъолимут танзил фи тафсирил Қуръанил азим. 1-жуз. – Байрут: дору ихёт туросил аробий, 1997. – Б.587.
6. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳихул Бухорий. – Байрут: Рисола, 2020. – 1904 б.
7. Жавод Али. Ал-муфассал фи тарихил ароби қоблал ислам. 10-жуз. – Байрут: ДКИ, 1993. – Б. 253.
8. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ал-исоба фи тамйизис соҳаба. 8-жуз. – Байрут: дорул жил, 1992. – Б.285.